



Ўрта Осиёнинг Сирдарё, Фаргона ёки Хўканд, Самарканд ва Туркман вилоятлари, умуман Русия Туркистони номи билан маъруфдир. Русиянинг химоясида ва худуди доҳилида колмиш Бухоро ва Хива халклари барчаси Ўрта Осиё ёки Мовароуннахр китъасига мансубдирлар...

...Аҳолийи Туркистоннинг маорифи, билими, кўз очиклиги, юраги, эрлиги саодат холлари даражасидан пастдадир. Бир йилдан бери Русиянинг хар тарафида турли халklar орасида харакат ва хаёт асарлари кўрилмокдадир. Мусоадаий императўриядан (ижозат) ва ахволи замондан истифода килган холда хар жинс аҳоли ўз холларини фикр килиб, ўйлаб, кераklarини, эhtiёжларини коралама шаклда лозим бўлган макомларга арз ва баён килмокда ва бу ишлар жумла русий ва туркий газеталарда хар кун баён ва эълон килинаётган бўлса-да, Туркистон мусулмонлари беҳабар колмиш каби харакатсиз, истаксиз, максадсиз, жон ва товуш асари кўрсатмай келмокдалар. Бунларни нохуш киладиган ҳеч нарсa йўкми? Бор эса, нима учун сукут килмокдалар?! Вақф, диний идоралари, таълим масканлари таъмир ва ислохга мухтож эканлиги бизга маълум. Туркистонда ҳозирги вақтда жорий килинган «идораи аскария» (Туркистон генерал-губернаторлиги кўзда тутилмокда) анча каттик эканлиги ҳам маълум... Лекин туркистонли кардошларимиз коринларини палов ила тўлдиришдан бошка матлаблари ҳам борлигини хаёлларига келтирмайдиганга ўхшайдилар.

Русиядан Туркистонга кўчиб келган бир ховуч татар-нўғой жамоаси бор. Бу жамоада бир оз жон асари борлиги кўринади, бош огрикларини билдириб турадилар. Туркистонийлар булардан бўлса ҳам ибрат олмаётганликлари жуда таассуфли холлардандир. Сибирияннинг энг чекка музли вилоятларидан тегишли идораларга аризалар берилди. Баъзи талаблари адо ҳам этилди. Туркистондан на икки сатр хат, на бир парча коғоз кўрилмади, эшитилмади.

Бу сукунат, бу тинчлик, бу каноат бахтиёрликми, мазорликми, ажабо?!...

Ахли Туркистоннинг бохушлиги каноат ва жонсизликдан эмас, кабохатдан, маорифсизликдан. Дардга дармон истамак такикланган, кабохат деб кўркадилар.

Бой ва бойлик етарлик, мол ва пулингиз ортмокда, лекин булар билангина яшаб бўлмайди. Маълумот керак, маориф керак. Авлодингизни ўқитинг, замондан, дунёдан хабардор бўлсин. Туркистондаги рус гимназияларидан ташкари Русия, Европа, Миср, Истанбул мактабларига талабалар юборинг. Дунёмиз у сиз билган дунё эмас, бошка бир дунёдир. Замонлар эса, бошка замонлардир. Илми фикх ва илми калом кифоя килмайди.

Лисон, камолоти фанния ва улуми аклия тахсили зарурдир.

Исмоилбек Гаспдали

«Таржимон» газетаси, 1906 й., 37-сон